

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ СОҶАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҶОТЛАР



РЕЖА:

1. “Таълим тўғрисида” ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” нинг қабул қилиниши. Таълимнинг миллий моделининг шаклланиши, ривожланиши ва соҳадаги муаммолар. Ўзбекистонда янги авлод кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ўзгаришлар.
2. Мактабгача таълим соҳасига эътибор
3. Ўрта ва ўрта махсус таълим соҳасидаги ислоҳотлар
4. Олий таълим соҳасида қабул қилинган Қонунлар ва уларда белгиланган вазифалар.
5. Таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши: ютуқлар ва камчиликлар.

**Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг
тамал тоши ҳам, мамлакатни
қудратли, миллатни буюк қиладиган
куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва
тарбиядир. Эртанги кунимиз,
Ватанимизнинг ёруғ истиқболи,
биринчи навбатда, таълим тизими ва
фарзандларимизга бераётган
тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Шахсан мен ўқитувчи деганда – замон билан ҳамқадам бўлган жонкуяр, зиёли шахсни, мактаб деганда – билим ва маърифат ёғдуси таралиб турадиган, Учинчи Ренессанс пойдевори қўйиладиган табаррук масканни кўз олдимга келтираман.

Ўтган ўқув йилида ёшларнинг халқаро ва минтақавий фан олимпиадаларида 45 та олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритгани таълим соҳасидаги ислоҳотлар самарасига яна бир далил.

*Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистон
Республикаси Президенти*

- «Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепцияси»нинг қабул қилиниши соҳадаги ислохотларни амалга оширишда ҳуқуқий асосни яратди. Мактабгача таълимни ривожлантиришда ҳудудлар, шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада давлатнинг соҳага давлат-хусусий шериклик асосида хусусий капитални жалб этишни рағбатлантириш сиёсати ҳам имкониятларни кенгайтирмоқда.

- **Мактабгача таълимга талаб ортмоқда**

- 3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни кенгайтириш нафақат янги муассасаларни қуриш ва эскиларини таъмирлаш ҳисобига (қўшимча бола ўринларини жорий этиш), балки оналар орасида мактабгача таълимнинг аҳамияти ҳақида фаол тушунтириш ва ташвиқот ишлари олиб бориш, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳисобига ҳам эришилди. Бунинг натижасида 2015 йилда юртимизда мактабгача таълим муассасаларида тўла фойдаланилмай қолган ўринлар мавжуд бўлган бўлса (жами республика МТМларидаги бола ўринлари 713060 бўлиб, уларга қатновчи болалар сони 620769 нафар), 2020 йилга келиб мактабгача таълим хизматида бўлган талаб сони мавжуд ўринлар сонидан ошди (мос равишда жами 1155731 ўринга 1196421 нафар).

Мактабгача таълим тизимига замонавий ёндашув



- Бугунги кунда таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш давр талабига айланган. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни 2020 йил 23 сентябрь куни қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Мазкур Қонунга асосан таълим соҳасидаги асосий принциплар, таълим тизими, турлари ва шакллари аниқ белгилаб қўйилди, унда белгиланган масофавий таълим ҳақидаги қоидалар ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган.

Шунингдек, Қонунга кўра, давлат олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, шунингдек давлат иштирокидаги олий, ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари Президент ёки Ҳукумат қарорлари билан ташкил этиладиган бўлди. Нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш уларнинг таъсисчилари томонидан амалга оширилиши белгиланди.



"ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА"ги Қонун



Манба: ЎРҚ-637, 23.09.2020. @huquqiyaxborot

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ



болаларни ўқитиш ва тарбиялашга, уларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган таълим туридир. Унда **6 ёшдан 7 ёшгача** бўлган болаларни бошланғич таълимга бир йиллик мажбурий тайёрлаш ҳам назарда тутилади.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ



I–XI синфларни ўз ичига олади

ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ



академик лицейларда 9 йиллик таянч ўрта таълим асосида **2 йил** мобайнида амалга оширилади

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ БОШЛАНҒИЧ, ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ДАРАЖАЛАРИГА АЖРАТИЛАДИ



Бошланғич профессионал таълим

касб-хунар мактабларида IX синф битирувчилари негизида кундузги таълим шаклида **2 йиллик** интеграциялашган дастур асосида бепул амалга оширилади



Ўрта профессионал таълим

коллежларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида давомийлиги **2 йилгача** бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга оширилади



Ўрта махсус профессионал таълим

техникумларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шарт-нома асосида давомийлиги камида **2 йил** бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга оширилади

ОЛИЙ ТАЪЛИМ



2 босқичдан иборат: **бакалаврият ва магистратура**

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМДА



таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчанлик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрланади

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ



касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаб борилишини таъминлаб, **кадрларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозими** ошишига хизмат қилади

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИГА



болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, "Баркамол авлод" болалар мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, студиялар, ахборот-кутубхона ҳамда соғломлаштириш муассасалари киради.

Янги қонуннинг асосий фарқлари:

- *биринчидан*, таълим олиш шаклларининг таснифи кенгайтирилди:
- ишлаб чиқаришдан ажралган (*кундузги*) ва ажралмаган ҳолда (*сиртқи, кечки, масофавий*);
- назарий - таълим ташкилоти негизида, амалий - таълим олувчининг иш жойида бирга олиб бориладиган дуал таълим;
- оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш;
- катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш;
- жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун инклюзив таълим;
- экстернат тартибидаги таълим - ўқув дастурларини мустақил равишда ўзлаштиришни ўз ичига олиб, унинг якунлари бўйича таълим олувчилардан давлат таълим муассасаларида якуний ва давлат аттестацияларидан ўтиш;
- мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида кадрлар тайёрлаш.

Таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомига эътибор қаратилган:

- таълим ташкилотлари – уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, уставга талаблар;
- педагогик ходимлар, таълим олувчилар, уларнинг ота-оналари ва бошқа қонуний вакиллари – ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва кафолатлар бўйича. Таълим-тарбия жараёни иштирокчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари белгиланган.

- Қонунда дуал таълимга оид қоидалар белгиланиб, у таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади. Бундан ташқари, қонунга инклюзив таълим тўғрисидаги қоидалар киритилиб, унга биноан, инклюзив таълим алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган. Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун таълим ташкилотларида инклюзив таълимни ташкил этади. Мазкур қонун жаҳон стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг қамрови кенглиги ва ўзига хос хусусиятга эга эканлиги билан 1997 йил 29 август куни қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонундан тубдан фарқ қилади.

Мактабгача таълим ислоҳотлари



Янги Ўзбекистоннинг мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс бўлиб шаклланиши зарур. Бу эзгу мақсадга эришиш учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича бошлаган ишларимизни албатта мантиқий якунига етказамиз.

Шавкат Мирзиёев.

Ихчам, ишчан ва натижага йўналтирилган маъмурий ислоҳотларга кўра

Янги Ўзбекистон шароитида замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам давлат бошқаруви тизимини шакллантириш, қарор қабул қилиш ва масалани кўриб чиқиш жараёнларини соддалаштириш орқали давлат органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятини натижадорликка йўналтириш мақсадида таълим соҳасида қуйидаги вазирликлар ташкил этилди:

1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

2. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

Халқ таълими: Янги 5 йиллик ислоҳотлар режаси

Халқ таълими соҳасида кейинги беш йилда 1,9 миллионта ўқувчи ўрни яратиш, таълимда замонавий методикаларга ўтиш, битирувчилар аттестациясини ДТМга ўтказиш, ўқитувчилар савиясига талабларни кучайтириш, мактабларга қисман молиявий ва академик мустақиллик бериш, мактабларни аккредитациялаш, директорларни сертификациялаш, болаларни касбга йўналтириш ва бошқа ўзгаришлар кутилмоқда.

- 2022 йил 12 май куни президент Шавкат Мирзиёев “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида” фармон ва “Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарор имзолади.

2026 йилгача 1,9 миллионта ўқувчи ўрни яратиш мўлжалланмоқда

- 2022-2026 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ҳисобига **1,2 миллион ўқувчи ўрни** миқдоридаги янги қувватлар яратиш вазифаси қўйилди.
- Худди шу йилларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида умумий ўрта таълимда яна **700 минг ўқувчи ўрни** миқдоридаги янги қувватлар яратилиши белгиланди.

Мактабларга интернет, компьютерлар ва устахоналар

- 2022 йил 1 сентябрга қадар 2023-2024 йилларда мактабларда маънан эскирган компьютер синфларини янгилаш бўйича дастур Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилади.
- 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб 400 нафаргача ўқувчиси бўлган умумий ўрта таълим муассасаларида интернет тезлиги **камида 40 Мбит/с**, ўқувчилар сони 400 нафардан юқори бўлганларда **камида 100 Мбит/с** бўлиши таъминланади.
- Мактабларни юқори тезликдаги интернетга улаш учун зарур маблағларни ажратиш вазифаси **ҳокимларга** юклатилди.
- 2022 йил 1 августга қадар умумий ўрта таълим муассасаларининг **технология фани** устахоналари ҳамда **касб-ҳунар амалиёти** хоналарининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Бу хоналарни босқичма-босқич ташкил этиш ва жиҳозлашга ҳокимлар масъул бўлади.

- **11-синфлардан якуний аттестацияни ДТМ олади**
- 2024 йилдан бошлаб умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотлари ҳамда касб-ҳунар мактаблари битирувчилари учун якуний давлат аттестациясини Давлат тест маркази томонидан **имтиҳонлар шаклида** ўтказиш йўлга қўйилади.
- Президентнинг бу борадаги қарори лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига 2022 йил 1 сентябргача киритилиши зарур.
- **Мактаб биноларини сотиб юбориш тақиқланди**
- Қарор билан, Халқ таълими вазирлигининг таълим беришга мўлжалланган бинолари ва иншоотларини таълим соҳасидан ташқари **бошқа мақсадлар учун юридик ва жисмоний шахсларга бериш** тақиқланди.
- ХТВнинг таълим беришга мўлжалланган, бўш турган бино-иншоотларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга бериш улар жойлашган ҳудуднинг камида 5 йиллик демографик кўрсаткичларини инобатга олиб, **халқ таълими вазирининг розилигини олган ҳолда** амалга оширилади.

Педагоглар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш

- Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари негизда **Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари** (Педагогика марказлари) ташкил этилди.
- А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти негизда **А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти** ташкил этилди.
- **Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети** ҳамда унинг ҳузуридаги таълим ва илмий ташкилотлар Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилди.
- Тошкент давлат педагогика университети педагогика йўналиши бўйича ўқув дастурларни ишлаб чиқишда етакчи олий таълим муассасаси этиб белгиланди.

- Педагог кадрларни **компетенцияларга асосланган ва касбий кўникмаларни шакллантиришга** қаратилган методикалар бўйича ўқитиш амалиёти жорий қилинадиган бўлди. Бу замонавий методикаларни жорий қилишда:
- — Педагогика марказларига аниқ ва табиий фанлар бўйича малакали **хорижий мутахассислар** жалб қилинди;
- — Педагогика марказлари ҳузурида хорижий мутахассислар, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотлари ҳамда Педагогика марказларининг малакали ходимларидан иборат бўлган **тренерлар гуруҳлари** шакллантирилди;
- — Тренерлар гуруҳлари билан биргаликда жойларга чиққан ҳолда камида **20 фоиз умумий ўрта таълим муассасаларида** педагоглар учун замонавий методикаларга асосланган сайёр ўқув машғулоти ва семинар-тренинглар ўтказилади;
- — педагог кадрларнинг малакасини оширишга бевосита жалб қилинган тренерларга уларнинг иш фаолияти натижасига қараб, ойлик иш ҳақига **100 фоизгача** миқдорда **қўшимча устама ҳақ** тўлаб борилади;
- — Мактаб ўқитувчилари учун “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформасида педагогик фаолиятдан ажралмаган ҳолда амалга ошириладиган қўшимча **индивидуал малака ошириш курслари** жорий этилади;

- — замонавий методикаларга асосланган **таълим дастурлари ва дарсликларни харид қилиш** ҳамда умумий ўрта таълим тизимида жорий қилиш чоралари кўрилади;
- — Малакали хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ТДПУ ҳамда Педагогика марказларининг **ўқув-режалари ва дастурлари** тўлиқ қайта кўриб чиқилади ҳамда халқаро талаблар асосида такомиллаштирилади;
- — 2023 йил 1 сентябрга қадар Республика таълим маркази ҳамда Тошкент давлат педагогика университети билан биргаликда **таълим жараёнини Миллий ўқув дастури асосида ташкил этишга** қаратилган методикалар ишлаб чиқилади; ушбу методикалар умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотлари, педагогика йўналишидаги профессионал ва олий таълим муассасалари ҳамда Педагогика марказларида жорий қилинади;
- — **2022/2023 ўқув йилидан** бошлаб ТДПУнинг кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 2-4-босқич талабалари учун ҳафталик ўқув машғулоти **“4+2” тартибида** (дарсларнинг 4 кунли олий таълим муассасасида, 2 кунли мактабда амалиёт ўташ тартибида) олиб борилади;
- — ТДПУ талабаларининг амалиётлари умумий ўрта таълим муассасалари билан бирга Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда ҳам ташкил этилади;
- — ТДПУда ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш тартиби йўлга қўйилади.

Мақтабга ишга кириш учун ариза онлайн берилади

- 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб фан ўқитувчиси ва мактаб директори лавозимлари учун танловда иштирок этишга онлайн ариза топшириш ва номзод ҳақида маълумотларни жойлаштириш имконини берадиган махсус **электрон портал** яратилади.
- Махсус электрон порталда амалдаги ҳамда истиқболда кадрларга бўлган эҳтиёж, шунингдек, вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни умумий ўрта таълим муассасалари ва фанлар кесимида жойлаштириш орқали **миллий кадрлар захираси** шакллантирилади.

Уқитувчиларнинг билим даражасини баҳолашнинг янги тизими

- 2023 йил 1 августга қадар, таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи ваколатли халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда, педагог кадрларнинг умумтаълим фанлари бўйича **билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш** тизими ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этилади.
- 2024 йил 1 январга қадар бу баҳолаш тизимининг халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши сертификациядан ўтказилади.

- **Халқ таълими вазири жамғармаси** ташкил этилди. 2022 йилда жамғармага давлат бюджетидан **300 миллиард** сўм ажратилди.
- **Дарсликлар ва Миллий ўқув дастури**
- Фармонга асосан, 2024 йил 1 сентябрга қадар Миллий ўқув дастурининг таълим жараёнига **тулиқ жорий этилиши** лозим. Шу жумладан, 2022 йил якунига қадар 3-, 6-, 7– ва 10-синфлар учун, 2023-2024 йилларда 4-, 5-, 8-, 9– ва 11-синфлар учун дарсликлар, машқ дафтарлари ҳамда ўқув қўлланмалар яратилиши зарур.
- Махсус электрон тизимлар (S-testing, Onlineedu, Raqamli darsliklar ва бошқалар) орқали:
- **2022 йил якунига қадар** янги авлод дарсликлари учун **10 та** мобил электрон ресурс ва **100 та** мультимедиа маҳсулотлари яратилади;
- **2022 йил 1 сентябрга** қадар 3-, 6-, 7– ва 10-синф ўқитувчилари Миллий ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган қисқа муддатли малака ошириш курсларида ўқитилди.

Мақтаб директорлари сертификат олиши талаб қилинади

- 2022 йил 1 декабрга қадар мақтаб директори лавозимига номзодларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш ҳамда баҳолаш натижаси бўйича уларга **менежерлик сертификатини** бериш амалиёти йўлга қўйилади.
- 2023 йил 1 январдан бошлаб:
- мақтаб директори лавозимига номзодлар менежерлик сертификатини олиш учун Миллий-тадқиқот институтида махсус пуллик дастурлар асосида жамоада ишлаш ва ота-оналар билан мулоқот қилиш, бошқарув, молиявий ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари кўникмаларига ўқитилади;
- ўқитиш якуни бўйича Миллий-тадқиқот институти томонидан мақтаб директори лавозимига номзодларнинг бошқарув соҳасига оид билим ва кўникмалари баҳоланади ҳамда натижаси бўйича менежерлик сертификати берилади;
- мақтаб директори лавозимига номзодлар фақат менежерлик сертификатига эга бўлган шахслар орасидан танлаб олинади ва келишиш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига тақдим этилади;
- мақтаб директорини иш берувчининг ташаббусига кўра лавозимдан озод этиш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари билан келишиш талаб этилмайди.

Мактаблар ҳам аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтади

- 2023 йил 1 январдан бошлаб, умумий ўрта таълим ташкилотлари ҳар 11 йилда камида бир марта мажбурий тарзда **аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказилади**. Бунда, умумий ўрта таълим ташкилотлари муддатдан олдин аттестация ва давлат аккредитациясидан шартнома асосида ўтиши мумкин.
- Умумий ўрта таълим ташкилотлари қуйидаги тартибда аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказилади:
- фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари – амалдаги аккредитация сертификатининг муддати тугаганидан сўнг **11 йил муддатга**;
- янги ташкил этиладиган умумий ўрта таълим ташкилотлари – улар **ташкил этилган пайтдан бошлаб** (белгиланган тартибда **лицензия олган пайтдан бошлаб**) **11 йил муддатга**.
- Давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида **хавф-хатарлар таҳлилига асосланган** таълим сифати мониторинги жорий этилади.

- **Мактабларнинг ички тартиб-қоидалари янгиланди**
- Умумий ўрта таълим муассасасидаги ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидалари қайта кўриб чиқилди ва уларда **мактаб ва ота-онанинг** бола тарбиясидаги ўрни ва масъулиятини, уларнинг таълим ва тарбия жараёнидаги иштироқи ҳамда мажбуриятлари белгиланади.
- 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, мактаб ўқувчилари ота-оналари “mu.maktab.uz” ахборот тизими орқали умумий ўрта таълим муассасасининг ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидалари билан таништириб борилади.
- Бир ой муддатда Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш концепцияси тасдиқланади.

Болаларни касбга йўналтириш бошланғич синфлардан бошланади

- 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, бошланғич синф ўқувчиларига ўқув режага киритилган фанлар доирасида меҳнат бозорида мавжуд бўлган турли касблар туғрисида тушунчалар бериб борилади.
- Касб эгаларининг меҳнат фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида 5-7-синф ўқувчилари учун турли учрашув ва сайёр дарслар ташкил этилади.
- 7-9-синф ўқувчиларининг касбга мойиллигини аниқлаш бўйича ташхислар ўтказиб борилади ҳамда натижаларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш корхоналари, ҳунармандчилик марказлари ва бошқа ташкилотларга экскурсиялар ташкил қилинади.
- Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва ўсиш нуқталарига мувофиқ мактаб ўқувчилари учун устувор касблар белгиланади ҳамда 10– ва 11-синф ўқувчиларини ушбу касбларга, шу жумладан, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари, қисқа муддатли курслар очилган таълим муассасаларида ўқитиш чоралари кўрилади.

Намунали мактаблар рейтинги юритилади

- Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва бу борада мактаб директори, ота-оналар ва маҳалла раислари масъулиятини кучайтириш мақсадида **2022 йил 1 сентябрдан** бошлаб республиканинг барча туман (шаҳар)лари кесимида **намунали мактаблар** рейтинги шакллантирилади ва эълон қилиб борилади.
- Рейтинг доирасида ҳар ўқув йили якунида умумий ўрта таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳолати Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган мезонлар бўйича **баҳолаб борилади**.
- Умумий ўрта таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳолатини баҳолаш ва рейтингни юритиш учун туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари бошлиқлари раҳбарлигида **махсус комиссиялар** тузилади.
- Умумий ўрта таълим муассасалари рейтинг кўрсаткичлари асосида “**яшил**”, “**сарик**” ва “**қизил**” тоифаларга ажратилади;
- Рейтинг кўрсаткичлари асосида “қизил” тоифага киритилган умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича зарур чоралар кўрилади.

- 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб рейтингда “қизил” тоифага киритилган умумий ўрта таълим муассасаларида:
- зиёли ва нуронийлар, илғор тадбиркорлар, кластер ва саноат корхоналари раҳбарлари, машҳур санъаткор, спортчи ва актёрлар, таниқли блогерларни жалб қилган ҳолда мактаб ўқувчилари билан учрашувлар, мотивацион суҳбатлар ва маҳорат дарслари ташкил этилди;
- мактаб ўқувчилари учун “Ватанпарварлик” дарслари ва полигонларда 2 кунлик ҳарбий дала машғулоти ўтказилади ҳамда уларни чавандозлар мактабларига жалб қилиш чоралари кўрилади; ҳарбий қисм офицерлари, сержантлари ва Қуролли Кучлар фахрийлари иштирокида давра суҳбатлари ташкил қилинди;
- ўқувчиларнинг меъморий ва тарихий обидалар, маданият муассасалари ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга ташрифи уюштирилди;
- ўқувчиларнинг қизиқишлари, талаб ва истақларидан келиб чиқиб спорт мусобақалари, концерт томошалари ва санъат асарлари кўргазмалари ўтказилди;
- буюк аждодларимизнинг илмий ва маданий мероси, уларнинг ибратли ҳаёт йўли ҳамда жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга қўшган ҳиссаларига оид тарғибот ишларини олиб борсин, улуғ алломаларнинг туғилган саналарига бағишланган илмий ҳафталиклар, семинар ва анжуманлар ташкил этилди;
- ҳаётий мисоллар асосида ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти ва масъулияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилади, уларни қизиқтирган ва хавотирга солаётган масалалар бўйича очиқ мулоқотлар ҳамда ўқув-семинарларни ташкил этилди.
- **Ҳар чоракда** намунали ўқувчиларнинг ота-оналарини рағбатлантириш, уларга “миннатдорчилик хати”ни топшириш ва совғалар тақдим этиш, шунингдек, фаолиятини ОАВда ёритиш амалиёти йўлга қўйилди.

• **Мактаблар таъминоти – Ҳокимлар елкасида**

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига қуйидагилар юкланди:
- ҳудудий дастурларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш;
- ҳар чоракда ҳудудий дастурда белгиланган вазифалар ижросини ҳудудий кенгаш сессияларида муҳокама этиб бориш ҳамда Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича миллий кенгашга бу ҳақда ахборот киритилишини таъминлаш;
- ҳудуддаги халқ таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг инфратузилмасини яхшилаш;
- халқ таълими муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, инфратузилмани (тротуарлар, йўллар ва бошқалар) зарур ҳолатда сақлаш бўйича буюртмачи функциясини амалга ошириш;
- халқ таълими муассасаларини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шароитлари ва бошқа коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлаш;

- туманлар (шаҳарлар)ни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда халқ таълими муассасаларини ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига ўз вақтида ва самарали тайёрлаш тадбирларини амалга ошириш;
- умумий ўрта таълим муассасаларининг хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан, ҳудудлар атрофини ўраш, уларга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларни бириктириш, видеокузатув камералари ва ёнғинга қарши сигнализация тизимларини ўрнатиш чораларини кўриш;
- халқ таълими муассасалари ҳудудининг ва кўчмас мулкнинг бутунлигини ҳамда дахлсизлигини белгиланган тартибда таъминлаш;
- умумий ўрта таълим муассасаларини ривожлантириш учун инвестицияларни ва ҳомийлик ёрдамини жалб қилишга кўмаклашиш;
- халқ таълими муассасаларига кўмаклашиш масалалари бўйича вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини белгиланган тартибда эшитиш;
- ўқитувчи касби мақоми ва обрўсини ошириш, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, педагогларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўймаслик ва фаолиятига аралашмаслик;
- ўқувчилар онгига ватанпарварлик туйғуларини ва миллий қадриятларни сингдириш, бой маданий-тарихий мерос, миллий урф-одатлар, буюк аجدодларимиз маънавий меросини ўрганишлари учун шароитларни яратишда сектор раҳбарлари ва мутасадди ташкилотларни кенг жалб этиш;
- соҳа ходимлари, таълим муассасалари раҳбарлари, педагогларнинг Янги Ўзбекистон тараққиётидаги шахсий ҳиссаси, ўқувчиларни ҳар томонлама етук авлод этиб тарбиялашдаги масъулиятларини ҳис этишлари учун тарғибот ва тушунтиришлар олиб бориш;
- раҳбар ва педагог кадрлар томонидан таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни, соҳада жорий қилинаётган янгиликларни янада кенгроқ тарғиб этилиши, ўқувчиларнинг касбий ва шахсий ривожланишлари учун керакли бўлган маълумотларни олишлари учун имкониятларни кенгайтириш, уларнинг билими ва тафаккурини ошириш мақсадида халқ таълими йўналишидаги босма нашрларни таълим муассасаларига етказиб беришни таъминлаш.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ



2019 йилда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди.

- Унга кўра, олий таълим соҳасида **давлат-хусусий шерикликни** ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида **олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан** ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;
- Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг **флагманига** айлантириш;
- республикадаги камида **10** та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи **1 000** та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи **500** та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш;
- олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич **кредит-модуль тизими**га ўтказиш;

- халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан **амалий кўникмаларни шакллантиришга** йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;
- олий таълим мазмунини **сифат жиҳатидан янги босқичга** кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган **юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини** йўлга қўйиш;
- олий таълим муассасаларининг **академик мустақиллигини** таъминлаш;
- олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи **“Университет 3.0”** концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

- хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида **технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор** марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва **прогнозлаштирувчи** илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш;
- олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли **халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши**, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек, республика илмий журналларини **халқаро илмий-техник маълумотлар базасига** босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;
- Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи **“хаб”** га айлантириш;

- олий таълимнинг **инвестициявий жозибадорлигини** ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш;
- талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган **бешта ташаббусни** амалиётга татбиқ этиш;
- олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан, халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич **ўзини ўзи молиялаштириш** тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш;
- таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан **ўзаро манфаатли ҳамкорлигини** йўлга қўйиш;
- **аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари**, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, улар учун инфратузилмага оид шароитларни яхшилаш;

- профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида **сўровлар ўтказиш, жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;**
- олий таълимни давлат томонидан бошқариш тизими самарадорлигига ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг **таъсирчанлигига холисона баҳо бериш;**
- таълим беришда юқори сифатни таъминлаш юзасидан **таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;**

- олий таълим муассасалари фаолиятида **очиқлик, шаффофлик ва холисликни таъминлаш, коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этишга** қаратилган комплекс чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- олий таълим тизимида **кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш** ва педагогларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича ишларни мазмунли ва мақсадли ташкил этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- **халқаро алоқалар натижадорлигини таҳлил қилиб бориш, қўшма дастурлар самарадорлигини баҳолаш, ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, чет эллик профессор-ўқитувчилар ва хориждаги ватандошларни олий таълим тизимига жалб этиш** бўйича таклифлар тайёрлаш;

- Таълим сифатини яхшилаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида республика олий таълим муассасалари (Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси тизимидаги олий таълим муассасалари бундан мустасно) раҳбар ходимларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқишини бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идорани хабардор қилган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий қилинсин.
- Бунда олий таълим муассасаси раҳбар ходимлари томонидан хорижий мамлакатга хизмат сафари олдидан асосий маълумотлар, жумладан, мамлакат номи, ташриф мақсади ва режаси, сафар натижалари юзасидан эса олий таълим муассасаси кенгашига амалга оширилган ишлар ва харажатлар тўғрисида тақдим этилган ҳисобот олий таълим муассасаси веб-сайтига жойлаштирилади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ БИЛАН ҚАМРОВ ВА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА

олий таълим билан қамров даражаси пастлигича қолмоқда;

амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаган, ўқув режаларида номутахассислик фанлари улуши юқорилигича қолмоқда;

олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар самарали йўлга қўйилмаган, иш берувчиларнинг олий таълим мазмунини шакллантиришдаги иштироки етарли эмас;

талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари шакллантирилмаган;

ишлаб чиқариш корхоналарида амалий машғулотлар самарали ташкил этилмаган, тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига етарлича жавоб бермайди;

ОЛИЙ ТАЪЛИМ БИЛАН ҚАМРОВ ВА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА

профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш даражаси пастлиги сабабли уларнинг касбий маҳорати бугунги кун талабларидан ортда қолмоқда;

ўқув адабиётлари етишмовчилиги сақланиб қолиб, мавжудларининг аксарият қисми замон талабларига жавоб бермайди, ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган;

олий таълим муассасаларида фан олимпиадаларини ўтказишнинг шаффоф механизмлари жорий этилмаган, олимпиадалар ғолиблари билан тизимли равишда ишлаш йўлга қўйилмаган;

иқтидорли ёшлар орасидан олий таълим муассасаларига талабаларни саралаб олиш механизмлари мавжуд эмас;

олий таълимда маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада ривожлантириш зарурати мавжуд;

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ СОҲАСИДА

олий таълим муассасалари илмий фаолияти ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб ташкил этилмаган, таҳлиллар асосида инновацион ривожланишни прогнозлаштириш фаолияти йўлга қўйилмаган;

инновацион фаолият, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб этиш натижадорлиги етарли эмас, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграцияси таъминланмаган;

илмий-тадқиқот ишлари ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратилмаган;

илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва ёш олимлар фаолиятини рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмлари яратилмаган;

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ СОҲАСИДА

талабалар турар жойлари, кутубхона, ўқув устахоналари, лабораториялар, спорт соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилма объектлари мавжуд эҳтиёжни қаноатлантирмайди, уларнинг аксарият қисмида бугунги кун талабларига жавоб берадиган моддий-техник база шакллантирилмаган;

олий таълим муассасаларининг замонавий ўқув ва илмий лабораториялар билан жиҳозланиш даражаси етарли эмас, халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув лаборатория ускуналарининг салмоғи атиги **10 фоизни** ташкил этади, шу билан бирга ўқув жараёни лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) билан етарлича таъминланмайди;

олий таълим муассасалари молиявий харажатларининг асосий қисми иш ҳақига сарфланиб, ўқув ва илмий лабораторияларни янгилашга, бино ва иншоотларни таъмирлашга етарлича маблағ йўналтирилмаяпти;

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ, ХАЛҚАРО МИҚЁСДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА

республика олий таълим муассасалари халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи **1000 та** ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, уларнинг расмий веб-сайтлари **Webometrics** халқаро рейтингининг **1000 талик** рўйхатига кирмаган;

таълим дастурлари ва талабалар билимини баҳолаш тизими халқаро стандартларга мослаштирилмаган;

мавжуд талабалар турар жойлари ҳамда ижтимоий инфратузилма объектлари хорижий талабалар эҳтиёжларига мослаштирилмаган;

хорижий фуқароларни мамлакатимизда таълим олишга кенг жалб қилиш борасидаги тарғибот ишлари, жумладан **PR-лойиҳалар** (Ўзбекистон олий таълим муассасалари кунларини ташкил қилиш, тақдимотлар ўтказиш ва бошқалар) етарли даражада ташкил қилинмаган, бу борада интерактив виртуал платформа мавжуд эмас.

Қуйидагилар олий таълим тизимини ривожлантиришнинг **стратегик мақсадлари** ҳисобланади:

мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш;

олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш;

соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибадорлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш.

Узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизimini ривожлантириш қуйидаги устувор йўналишлар асосида амалга оширилади:

олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш;

таълим жараёнига **рақамли технологиялар** ва замонавий усулларни жорий этиш;

олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш;

маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш;



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига **кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш**;

олий таълим муассасаларининг **молиявий мустақиллиги** ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;

олий таълим муассасаларини **тизимли ривожлантириш** ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

коррупцияга қарши курашиш, шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш;

олий таълим тизимининг инвестициявий **жозибадорлигини ошириш**, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш.



ОЛИЙ ТАЪЛИМ БИЛАН ҚАМРОВ ВА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА

Соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини **50%**дан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич **кредит-модуль** тизимига ўтказиш;

халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, профессионал кадрларни тайёрловчи, етакчи таълим ва илм-фан маркази – **Президент университетини** ташкил этиш;

хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, талаба-ёшларнинг академик фаолияти, муаммолари ва турмуш тарзи, ўқув жараёни ҳамда яратилган шароитлар бўйича талабалар фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида улар ўртасида ҳар йили республика миқёсида **миллий сўров** ўтказиш;



ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Миллий электрон таълим ресурслари яратилишини жадаллаштириш, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш ишларини ташкил этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида кутубхоналарда **QR-код** ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

Олий таълим муассасаларида бошқарув тизими, ўқув жараёнлари, кутубхона ва ҳужжатлар айланмасини электронлаштириш, турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қоғоз шаклидан воз кечишни таъминловчи **“Электрон университет”** платформасига жорий қилиш белгиланди.

Маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи **“E-MINBAR”** платформасини амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларида **“булутли технологиялар”** дан фойдаланиш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, **масофавий таълим** хизматларини ривожлантириш, **вебинар** (лекцияни бошқа ўқув хонасидан ёки олий таълим муассасасидан онлайн ўзлаштириш), **“blended learning”** (аввалдан ёзилган лекция ва семинар машғулотларини уйда ўзлаштириш) ва **“flipped classroom”** (лекцияни уйда ўзлаштириш, семинар машғулотини олий таълим муассасасида бажариш) технологияларини амалиётга кенг жорий этиш назарда тутилди.

Таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи **“Университет 3.0”** концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

Технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш, уларни соҳалар ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассаса даражасига олиб чиқиш;

Нуфузли халқаро илмий журналлардаги мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, республика илмий журналларини **халқаро илмий-техник маълумотлар** базасига киритилишини таъминлаш;

илм-фан соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, менторлик модели асосида нуфузли хорижий олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан етакчи маҳаллий олий таълим муассасалари ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

Стартап лойиҳалари асосида тижоратлаштириш салоҳияти юқори бўлган янги маҳсулотлар ва технологияларни яратиш орқали олий таълим муассасалари негизда илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ҳамда уларни тижоратлаштириш билан шуғулланувчи **“spin-off”** ва **“spin-out”** корхоналарини ташкил этиш белгиланди.

Олий таълим муассасалари ҳудудида ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш ва **кластер** усулида фаолият юритишини ташкил этиш, ишлаб чиқариш ривожланган ҳудудлар, шу жумладан иқтисодий зоналарда олий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш белгиланди.

Инновацион инфратузилмани яхшилаш мақсадида “Ҳужайра ва молекуляр биотехнология”, “Тиббий генетика”, “Экофизиология”, “Материалшунослик”, “Энергия тежовчи технологиялар, назорат-ўлчов ва автоматлаштирилган тизимлар”, “Қурилиш материаллари” ҳамда “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва технологияси” йўналишлари бўйича **7 та олий таълим муассасалари**ро илмий-тадқиқот лабораториясини ташкил этиш кўзда тутилади.

- ➔ Талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган **бешта ташаббусни** амалиётга татбиқ этиш;
- ➔ олий таълим муассасаларида социологик ва педагогик-психологик хизмат гуруҳлари ишини такомиллаштириб бориш, талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилани мустаҳкамлаш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;
- ➔ талаба-ёшларни ҳунар ўрганиш, янги билим эгаллаш, ўз устида
- ➔ ишлаш, замонавий технология ютуқларидан мақсадли фойдаланиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга ундаш орқали уларнинг
- ➔ бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун таълим муассасаларида шарт-шароитлар яратиш;

Олий таълим муассасаларида битирувчиларнинг ишга жойлашишида ҳар томонлама кўмаклашувчи, потенциал иш берувчилар билан ҳамкорлик қилувчи “**Карьера марказлари**”ни ташкил этиш назарда тутилди.

докторлик диссертациялари илмий натижаларининг амалиётга тезкор жорий этилишини таъминлаш, ёшларнинг илмий фаолиятга қизиқишларини ошириш ва рағбатлантириш, илмий фаолият нуфузини кўтариш мақсадида докторлик (таянч докторлик) илмий даражасини берадиган **бинар (иккиталик) ҳимоялар** тизимини жорий этиш;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар танловларида илмий натижаларнинг тижоратлаштирилиши, уларнинг амалиётга жорий этилиши муддатидан келиб чиққан ҳолда грантлар миқдори ва давомийлигини белгилаш;

васийлик кенгашлари таркибини кадрлар буюртмачилари, йирик иш берувчилар, жамоат арбоблари ва тегишли соҳада катта ютуқларга эришган тадбиркорлар ҳисобидан шакллантириш;

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНОТИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ

иқтисодиёт тармоқларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, шунингдек истиқболда олий таълим муассасаларининг рейтинги ва ўз харажатларини қоплаш даражасидан келиб чиқиб бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича тўлов-контракт миқдорларини **мустақил белгилаш** тизимига босқичма-босқич ўтиш;

Олий таълим муассасаларини **ўзини ўзи молиялаштириш** тизимига ўтказиш;

таълим ва илмий жараёнларни ўқув ва лаборатория ускуналари, шунингдек, лаборатория материаллари (реактивлар, бутловчи, биологик материаллар ва бошқ.), замонавий дастурий маҳсулотлар билан мунтазам равишда таъминлаб боришнинг самарали механизмларини яратиш;

имконияти чекланган талабаларга олий таълим муассасалари ва талабалар турар жойлари биноларида қўшимча шароитлар яратиш, улар учун таълим муассасаларини зарур адабиётлар, методик қўлланмалар билан таъминлаш чораларини кўриш;

олий таълим муассасаларида хорижий фуқароларнинг истиқомат қилиши ва таълим олиши бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш;



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ТИЗИМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Илмий-тадқиқотлар ҳамда кадрлар тайёрлаш сифати ва кўламини инобатга олган ҳолда олий таълим муассасаларини қуйидаги тоифаларга ажратиш ва ривожлантириш стратегияларини белгилаш кўзда тутилди:

➔ **биринчи тоифа** – **флагман университетлар** (Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети);

➔ **иккинчи тоифа** – илм-фан ва инновацион марказ функциясини бажарувчи **ҳудудий олий таълим муассасалари**;

➔ **учинчи тоифа** – соҳалар учун таълим ва илм-фан бўйича таянч муассаса ролини бажарувчи **тармоқ олий таълим муассасалари**.



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ТИЗИМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тажриба тариқасида айрим давлат олий таълим муассасаларини (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) давлат тасарруфидан чиқариш, жумладан уларда давлат улушини камайтириш, **корпоратив бошқарув** тамойилларини жорий этиш белгиланди.

Олий таълим муассасалари раҳбар ходимларини **ротация қилиш механизмини** жорий қилиш назарда тутилди.

Ўқув жараёни, таълимни ташкил этишдаги муаммолар бўйича талабалар фикрларини ўрганиш, битирувчилар малакасининг ишлаб чиқариш талабларига мос келишини аниқлаш, кадрлар тайёрлашда йўл қўйилаётган камчиликларни ўрганиш мақсадида талабалар ва кадр буюртмачилари ўртасида ҳар йили республика миқёсида **миллий сўров** ўтказилиши белгиланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ректорлар кенгаши негизида нодавлат нотижорат ташкилоти шаклидаги **Республика олий таълим кенгаши** ташкил этилади.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

олий таълим соҳасида **“коррупциясиз соҳа”** лойиҳасини изчил давом эттириш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш;

профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги **бюрократик омилларни бартараф этиш**, баҳолаш мезонларидаги шаффофликни кучайтириш, талабалар билимини баҳолашда адолатни таъминлаш;

малака ошириш, илмий-тадқиқот ишларини тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш, назорат-мониторинг, ходимларни ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш, олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ва тизимдаги бошқа жараёнларда **шаффофликни таъминлаш**;

профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юктамаларини оптималлаштириш, касбий фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида олий таълим тизими ходимларининг **меҳнат унумдорлигини ошириш**;



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ТАНИЛИШИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

2030 йилга қадар камида **10 та** олий таълим муассасасини нуфузли рейтингларда (QS, THE ёки ARWU) **1000 таликка**, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини **500 таликка** киритиш;

“Study in Uzbekistan” (“Ўзбекистонда таҳсил ол”) лойиҳасини амалга ошириш, мамлакат таълим жозибadorлигини тарғиб қилувчи махсус веб-портал яратиш ва уни барча олий таълим муассасалари бўйича батафсил ва ишончли маълумотлар билан тўлдириб бориш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолиятини кенгайтириш, ҳамкорликда ўтказиладиган илмий конференциялар ва семинарлар сонини кўпайтириш, халқаро илмий ва таълим лойиҳаларини амалга ошириш;

Таълимда брендлар, илмий анъаналар тизимини яратиш асосида республика олий таълим тизими ва **олий таълим муассасалари имижини шакллантириш стратегияси** бўйича дастур қабул қилиш белгиланди.

олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасасалари, шу жумладан нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасининг **50 фоиздан** юқори бўлиши таъминланади, соҳада рақобат муҳити яратилади;

Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг **флагманига** айлантирилади;

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи **“Университет 3.0”** концепцияси босқичма-босқич жорий этилади;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек **республика илмий журналлари халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилиши таъминланади;**

Ўзбекистон олий таълим тизими Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи **“хаб”га** айлантирилади;

талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган **бешта ташаббус** асосида ривожлантирилади;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартлари жорий этилади, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан **амалий кўникмаларни** шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтилади;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказлари ташкил этилади ҳамда улар тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий **ривожланишини тадқиқ этувчи ва прогнозлаштирувчи** илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқилади;

олий таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базаси, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшиланади, уларни босқичма-босқич **ўзини ўзи молиялаштириш** тизимига ўтказилади ва молиявий барқарорлиги таъминланади;

олий таълимнинг инвестициявий **жозибадорлиги** оширилади, хорижий таълим ва илм-фан технологиялари жалб этилади;

таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги йўлга қўйилади;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан **қамров даражаси** оширилади, улар учун инфратузилмага оид **шароитлар яхшиланади.**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


**Олий таълими тизимини 2030 йилгача
ривожлантириш концепциясининг
мақсадли кўрсаткичлари
(20 та кўрсаткич)**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНING МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ



ОЛИЙ ТАЪЛИМ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИШ ДАРАЖАСИ (фоизда)




2019 йил

2030 йил



НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, ШУ ЖУМЛАДАН ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ШАРТЛАРИ АСОСИДА



2019 йил

2020 йил


2023 йил

2025 йил

2030 йил



ХОРИЖИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ДАСТУРЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ (қўшма таълим дастурлари бундан мустасно)



2019 йил

2020 йил


2023 йил

2025 йил

2030 йил



МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАР УЛУШИ



2019 йил

2020 йил

2023 йил


2025 йил

2030 йил


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНING МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ



БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИДАН МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ТАЛАБАЛАР



ХОРИЖДА МАЛАКА ОШИРГАН ЁКИ СТАЖИРОВКА ЎТАГАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР УЛУШИ (фоизда профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан)




2019 йил


2030 йил



МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИДА ДАРС БЕРУВЧИ ХОРИЖДА МАЛАКА ОШИРГАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР УЛУШИ




РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ХОРИЖИЙ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР УЛУШИ (ХОРИЖИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БУНДАН МУСТАСНО)




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНING МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ




ЎҚУВ ВА ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР ҲАМДА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА МАВЖУДЛИГИ




ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШ АХБОРОТ ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ



ЎҚУВ РЕЖАЛАРИДА АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЛУШИ




КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНING МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ




ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН
ТАЪЛИМ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ




ЎҚИТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН «E-MINBAR»
ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИ, ОНЛАЙН, ВЕБИНАР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ



МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИГИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ
ИЛМИЙ ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИШ




ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНING MAҚСАДЛИ KЎРСАТКИЧЛАРИ




“SCOPUS”, “SCIENCEDIRECT”, “WEB OF SCIENCE” VA BOШQA XALҚARO ILMIIY-TEKHIK MAЪЛУМОТЛАР BАЗАСИДА ИНДЕКСЛАНУВЧИ MAҚОЛАЛАР




“SCOPUS”, “SCIENCEDIRECT”, “WEB OF SCIENCE” VA BOШQA XALҚARO ILMIIY-TEKHIK MAЪЛУМОТЛАР BАЗАСИГА KИРИТИЛГАН OЛИЙ TAЪЛИM MYACCACAPARI ILMIIY JУРНAPЛАРИ



OЛИЙ TAЪЛИM MYACCACAPAPИДА ФАОЛИЯТ OЛИБ BOPAEТГАН “XИPШ” ИНДЕКСИ (H-ИНДЕКС) 5 VA УНДАН ЮҚОРИ БЎЛГАН ПPOФЕCCOP-ЎҚИТУВЧИЛАР



XOPИЖИЙ TAPABAPAPHИHГ OЛУШИ



- 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасалари магистратурасига ажратилган қабул параметрлари доирасида базавий тулов-контракт асосида талабаликка қабул қилинган ва мазкур ўқув йилида иккинчи курсда ўқиётган хотин-қизларнинг тулов-контракт миқдори давлат бюджети томонидан тулаб бериш тартиби жорий этилди.
- Ёшларнинг олий таълим билан қамрови ошиб бориши билан бир қаторда, ётоқхоналарга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. 2021 йилда талабалар турар-жойларидаги яшаш хоналарини оптималлаштириш ва икки ярусли кроватларни жорий этиш орқали қўшимча 20 минг ўрин яратилган бўлса, унга қўшимча равишда яна 11 минг ўринли 28 та ётоқхона ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди.
- Натижада давлат ОТМдаги талабалар турар-жойининг сони 256 тага етказилиб, 91 минг нафар талабани жойлаштириш имконияти яратилди ва ётоқхонага бўлган эҳтиёжнинг 41 фоизи таъминланди.

- 2021–2022 ўқув йилида 97 та ОТМда кундузги ва кечки таълим шаклларида тахсил олётган 1–3 курс 402 минг 602 нафар талабалар учун 2 минг 806 та штат бирлигида “Тьютор” лавозими жорий этилиб, барчасига олий маълумотли мутахассислар ишга қабул қилинди.
- Натижада талаба билан ишлаш самараси 2 баробарга ортган ҳолда ҳар бир олий таълим муассасасида талабаларнинг ахлоқий тарбияси билан доимий ишлайдиган вакил пайдо бўлди.
- Соҳадаги ишларни янги босқичга кўтариш, масъул раҳбарлар ваколат ва имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорига биринчи проректор мақоми берилди.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!